

87.717

P51

Шухрат РИЗАЕВ



CH0000034461


ҚАЛБГА ЙЎЛ

87.717
P 51

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА
МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

Шухрат РИЗАЕВ

ҚАЛБГА ЙЎЛ



013528/1

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2009

Тақризчилар:

Филология фанлари доктори, профессор Н.Каримов,
фалсафа фанлари доктори, профессор И. Эргашев

Масъул муҳаррир Обил Сафаров

Ризаев Шухрат.

Қалбга йўл/ Ш.Ризаев; Республика
маънавият ва маърифат кенгаши,
Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий
маркази. — Т.: Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2009. — 24 б.

Қалб ва унга борадиган йўл. Бу йўлнинг ўзига хослиги, замонга
алоқадорлиги, халқ тақдирига чамбарчас боғлиқлиги... Қўлимиздаги
рисолада Юртбошимиз Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият —
енгилмас куч” асари боис ана шулар тўғрисида фикр юритилади. Ҳаётий
далиллар ва мисоллар келтирилиб, китобхонни атроф-теваракдаги
ҳодисаларга фаол муносабат билдиришга ундайди.

ISBN-978-9943-06-215-3

ББК 76.0

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2009

Қалбга йўл

*(“Юксак маънавият — енгилмас куч”
рисоласи боис ўйлар, чизгилар...)*

Юртбошимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарининг “Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори” деб номланган тўртинчи бобининг биринчи фасли “Инсон қалбига йўл” деб аталади.

Биз ана шу фаслнинг оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуот, телевидение ва радио, адабиёт ва санъат масалаларига бағишланган саҳифалари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Дастлаб фасл бошланишидаги: “...одамни онгли яшашга, етукликка чорлайдиган... беқиёс қудрат манбаининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш муҳим бир ҳақиқатни, яъни юксак маънавият — енгилмас куч эканини англатади ва тасдиқлайди”, — деган фикрга эътиборингизни қаратишни истардим. Китоб муаллифи мазкур фикрни айтиб, “маънавиятни чиндан ҳам ана шундай қудратли кучга айлантириш учун ... қандай масалаларга биринчи галда эътибор бериш зарур?”, — дея савол қўяди ва қуйидагича жавоб қилади: “Маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзланган мақсадга эриша олмаймиз, яъни, инсон қалбига йўл топа олмаймиз”.

Дарҳақиқат, инсон қалбига йўл топилмас экан, нафақат маънавият, айни чоғда, бошқа жабҳаларда ҳам ўсиш, ўзгариш, янгиланиш ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Зеро, инсоннинг инсонлик моҳияти унинг қалбидир. Қалби қаттиқ, заранг босган, тошбағир, ҳиссиётсиз инсон ҳар қандай ҳайвонликка қодир. Фақат қалб тарбиясигина

инсонни маънан юксалтиради, эзгуликка сафарбар этади. Қалб шундай нозик ва айнаи чоғда шундай қудратли бир ҳодисаки, унинг моҳиятини фақат шоиргина бор салмоғи билан кўрсатиб, ифода этиб бера олади:

Қалб шундай уммонки, унинг бағрида
Даҳшатли долғалар силсиласи бор.
Қалб шундай заминки, оташ қаърида
Вулқонлар отгувчи зилзиласи бор.

У бир сайёрадир, Ердек шафақгун,
У бир оламдирки, билмас ниҳоя.
Уни меҳваридан чиқармоқ учун
Атом жанги эмас, бир сўз кифоя.

(Эркин Воҳидов)

Демак, инсон қалбининг бўронлари, пўртаналари дунёни ўзгартириб юбориши, яъни илҳом, завқ, бунёдкорлик, ғайрат, шижоатларга сабаб бўлиши мумкин. Бироқ у шундай нозик хилқатки, бир сўз билангина яраланиши, зада бўлиши ҳам мумкин. Яраланган, тош қотган қалб эса ҳар қандай ёмонлик, бадбинликларга қодир бўлса, эҳтимол. Ана шу беқиёс қудратли ва чиний пиёладек нозик қалбга йўл топгувчи энг қудратли восита ижодкор сўзи ва ҳайратлар уйғотувчи санъат асарларидир. Мана шу соҳаларга эътибор, уни ҳозирги замон талаблари асосида ривожлантириш — маънавий баркамол авлодларни тарбиялашнинг энг самарали йўли.

Шундай ўйларга қанот бериб, юртбошимиз телевидение ва радиога тўхталадилар. Бу соҳалар ҳозирда шунчаки ахборот ташувчи воситалар эмас, балки бир вақтнинг ўзида инсонга маърифат, маданий-эстетик озук берадиган макон бўлиб қолди. Бугун ҳеч биримиз ҳаётимизни телевидение ва радиосиз, матбуотсиз тасаввур этолмаймиз. Агар аввал ота-боболаримиз танча атрофида ўтириб, оила билан китобхонликлар қилган бўлса, ҳозир кичкинагина қути — телевизор атрофида тўпланиб, ҳам ахборот, ҳам маданий-бадий завқ оламиз. Афсуски, бу завқ бизни сўнгги пайтларда фақат яхшиликка, тўғрилиқка бошлаётгани йўқ. Хорижий сериаллар, ур-сур фильмлар, бепарда қилиқлар

билан тўла мусикий клиплар, айниқса, ёшларнинг онгига салбий таъсир ўтказяпти. Ўйин, шоу деган ном остида не-не бадбин ишлар таклиф қилинади. Айниқса, Россия каналлари, “Камалак” орқали кўрсатиладиган ТНТ, НТВ каналларида “Дом 2 — Город любви”, “Комеди клуб”, “Интуиция” ёки “Секс с Анфисой Чеховой” каби кўрсатувлар, МТВ каналидаги беҳаё клиплар Ўзбекистон халқи турмушига дадил кириб келяпти. Акс ҳолда, биздаги хусусий каналларда нусха кўчиришлар бунчалик ажв олиб кетмас эди.

Муаллиф матбуот ҳақида ҳам тўхталиб, унда танқид руҳини кучайтиришни айтади. Журналистларни “виждон амри” билан яшашга даъват этади. Бугун Ўзбекистонда 500 та газета, 200 га яқин журнал чоп этилар экан. Аммо халқимиз, асосан, нимани ўқияпти — ғийбат билан тўлиб тошган “сариқ матбуот”нию кроссворд босилган кўнгилочар “Ҳордиқ” каби газеталарни. Атрофда, жамият ҳаётида бўлаётган ҳодисаларга матбуотнинг, журналистнинг ўткир, малакали, танқидий нигоҳи йўқ. Журналистикада позиция, нуқтаи назар масаласи энг муҳим масалалардан. Ҳар бир ҳодисага ўз муносабатини белгилаб олмаган журналист ҳар мақомга йўрғалайверади. Ўзгаларнинг муносабатини шакллантириш у ёқда турсин, ҳатто ўз позицияси аниқ, муросасиз бўлмаган қаламкашдан нима кутиш мумкин?! Шу ўринда куюнчакликда ҳам беназир устоз Озод Шарафиддиновнинг бугунги журналистикамизнинг аҳволи ҳақидаги мулоҳазалари ёдга келади: “... баландпарвозлик, мавҳумлик, мақтанчоқлик, юзакилик бугунги журналистикамизнинг ривожига тўсиқ бўлиб турган асосий ғовларга ўхшайди. ... журналистикамизнинг (тўртинчи) ҳокимият бўлишини таъминлайдиган энг биринчи омил, у ҳаётда адолат барқарор бўлиши учун курашмоғи керак, одамлар тақдирида юз берадиган адолатсизликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашмоғи лозим. Керак бўлганда фидокорлик билан иш юритиб, масаланинг туб моҳиятига етиб, ҳақнинг қарор топишига эришмоғи лозим. Табиийки, бунга тумтароқ ва хашаки гаплар билан эришиб бўлмайди. Бунга фақат аниқ таҳлил билан, ҳаётда ҳар қадамда

кўндаланг бўлиб турган муаммолар тўғрисида теран фикр юритиш орқали эришилади” (О. Шарафиддинов. Довондаги ўйлар. — Т.: 2004. 294-6).

“Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади”, — дея рисола муаллифи фикрини бадиий ижодга буради. Тарихни бадиий тасвирлаш борасида анча асарлар яратилгани, бироқ замонавий қаҳрамон образини яратиш борасида ҳануз жиддий асарлар йўқлигини, мустақиллик йиларида, асосан, шеърят ривожланганини таъкидлайди. Ва: “Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи бўлсак, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улугламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор, буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуг адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди”, — деган фикрларни билдиради.

Ҳақиқатан ҳам, ота боболаримизнинг кечмишлари, минг йиллардан ортиқ тарихимизнинг бугунгача етиб келгани, аввало, адабиёт туфайлидир.

Ўрхун-Енисей тош битиклари бўлмаса, “Қутадғу билиг”, “Ҳиббат ул-ҳақойиқ”, “Ҳикматлар” каби туркий обидаларимиз, “Алпомиш”, “Гўрўғли” дostonларимиз бўлмаса, қадим туркий ота-боболаримиз ҳаёти, турмуши, орзу-интилишлари ҳақида қандай тасаввурга эга бўлардик?! Ёки биргина Алишер Навоий ҳазратларининг ижоди бўлмаса, Темурийлар даври, ўрта асрлар инсонларининг ўйу қарашлари, қалби, тафаккури ҳақида нималарни билардик?! Тушунчаларимиз нақадар ғариб бўлар эди. Жадид боболаримиз-чи?! Буларсиз, уларнинг саъй-ҳаракати, интилишларисиз биз миллат бўла олармидик?! Мана, Абдулла Авлониий сатрлари:

Ватан, ватан, дея жоним танимдан ўлса равон,
Банга на ғам қолур авлодима ую ватаним.
Губора дўнса тамим, йўқ вужуди зери ваҳм,
Чароки, ўз ватаним хокидур гўру кафаним.

Афсуски, ҳозирги адабиёт, бадиий ижод намуналари хонаки тушунчалар билан ўралашиб қоляпти. Биз

китобхонлик йўқ деймиз. Бироқ китоб ўқиш маданияти, яхши-ёмон китобни ажрата билиш дидини болаларимизга сингдириямизми? Дунёда янгитдан китобхонлик маданияти авж оляпти. Китоб ярмаркалари, кўргазмалари бўляпти. Бизларда эса ҳозирги 17—18 ёшли ўспирин бола китоб деса, фақат дарсликни тушунади, холос.

Бундан икки-уч йил муқаддам хизмат тақозоси билан таниқли бир ўзбек ёзувчисининг набираси билан танишиб қолдим. Тарихий ва тарихий-инқилобий йўналишдаги қатор романлар, пьесалар, шеърый асарлари билан шуҳрат топиб, турли унвону мартабаларга муносиб кўрилган адибнинг авлоди, ажабки, буvasининг бирор асарини ўқиш у ёқда турсин, ҳатто номини билмайди. Ўша асарлар яратилган тилни-ку, “я понимаю, но не могу говорит”, — дея билмаслигини яшириб ҳам ўтирмайди. Аччиғим келиб, йигитга заҳримни сочмоқчи бўлдим-у, бироқ ўйланиб қолдим. Аслида, барча иллат ўша ёзувчи буванинг ўзида эди. У ўзини эъзозлаб, турли нишонлар билан сийлаган тузумга, унинг миллий хотирасизликни шиор билган мафкурасига шунчалар садоқат билан хизмат қилган эдики, охир-оқибат шундай авлод шакллана бошлади. Бу авлод фарзандларидан тарқалган набиралар эса она тилини билмасликдан ҳеч бир ноқулайлик ёки мушкуллик кўрмай, бемалол юраверди. “Экканингни ўрасан” деган ҳикматнинг нақадар аччиқ исботи бу. Тобора глобаллашиб бораётган дунёда миллий маънавиятнинг ўрни торайиб, бадбин туйғулар авжланаётганидан бонг уриб, инсон ва жамиятни мудом поклаб турмоққа зарурат ана шундан эмасмикан?

“Ўзбегим”, “Ҳозирги ёшлар”, “Кардиограмма”, “Қумурсқалар жанги”, “Оғриқли саволлар”, “Ўзбекистон — ватаним маним”, “Темир одам”, “Тилла балиқча” каби ҳам ватанпарварлик, ҳам фалсафий-лирик, жўшқин публицистик руҳдаги шеърлар бугун фақат тарих, яқин ўтмиш, холос. Шу ҳолатда катта авлод ўтгач, ҳозирги авлод ҳазрат Навоийни, Бобуру Машрабни, Фурқату Муқимийни, Ойбегу Ғафур Ғуломни, Миртемиру Шайхзодани эслармикан?! Мен, табиатан, нигилистик қарашлардан йироқман. Дунёни ҳам, инсонни ҳам умид бошқаради деган ақидада собитман. Бироқ кўнгилга ёруғ

умидларни, яшаш иштиёқини соладиган соҳир бадий сўзнинг қадри пасайишидан қўрқаман. Бундай ҳолатда умид ҳам сўна боради, чор-атрофни умидсизлик, тушкун кайфият эгаллайди. Тушкунлик эса фаолиятсизликнинг бош белгиси. Фаолиятсизликдан лоқайдлик, бефарқлик, текинхўрлик ва яна аллақанча иллатлар урчийди. Бадий сўз эса ҳаракатга, ёниқлик, бедорликка даъваткорлиги билан, ҳаётбахшлиги билан боқий.

“Юксак маънавият — енгилмас куч” китобининг бадий адабиёт ҳақидаги фикрлар битилган саҳифаларидан сўнг мусиқа, театр, кино, тасвирий санъат, монументал санъат ҳайкалтарошлик, замонавий, меъморий ёдгорлик мажмуалари, миллий қўғирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш масалаларига эътибор қаратилади.

Муаллиф мусиқа ҳақида сўз юритиб, Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан топилган 3300 йиллик тарихга эга суякдан ясалган най чолғусини тилга олиб, мусиқий маданиятимизнинг нақадар қадимийлигини эслатади. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сидаги Амир Темури даври мусиқий анжуманлари тўғрисидаги маълумотларга тўхталади. Мумтоз мусиқий меросимизнинг авайлаб асралиши, “авлодларга безавол етказилиши” масаласи кўтарилди.

Яқиндагина таниқли созанда Турғун Алиматов 90 ёшларга яқинлашиб дунёдан кўз юмдилар. Уларнинг шогирдлари, давомчилари йўқ эмас, албатта. Аммо, афсуски, иккинчи бир шундай созанда — танбуру сато устаси ҳозирча бўй кўрсатгани йўқ. Аксарият ёшларнинг фикри, асосан, эстрада мусиқаси билан банд. Тўғри, миллий эстрада санъатимиз бор, унинг ибратли намуналари кўп. Бироқ Ботир Зокиров, Эсон Қандов, Юнус Тўраев, Луиза Зокирова, Раъно Шарипова, Фаррух Зокиров, Гуломжон Ёқубов, Нуриддин Ҳайдаров, Насиба Абдуллаева, Охунжон Мадалиев, Муҳриддин Ҳолиқов, Фиёс Бойтаев, Маҳмуд Намозов каби санъаткорлар номлари билан боғлиқ миллий эстрада бугун тамомила бошқа таъсир ва тушунчаларда шитоб билан елиб борапти. Шу муносабат билан китобдаги мана бу фикрлар диққатни тортади: “...агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ

оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадий диди, муסיқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас". Афсуски, шундай бўляпти ҳам. Телевидение, турли диску кассеталар орқали тарқалаётган сон-саноксиз клиплар, клипбозлик, айтиш мумкинки, "оммавий маданият"ни бизнинг заминга осонгина кўчиб ўтиши, илдиз отиши учун жуда қулай шароит яратяпти.

Ана шу хавотир уйғотаётган ҳодисанинг кенг ёйилишдан хавфланиб муаллиф **"... бизнинг миллий анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар..."** борасида ҳам сўз юритади. Улардаги тил эклектикаси, **"...нормуносиб ҳаракатларни... янгича услуб"** деб билаётган ёш ижрочиларни танқидий нигоҳдан ўтказди. Агар турли телеканаллардан эфир вақтининг энг қулай палласида кунига бир неча соатлаб (ҳозирда бу яна оммалашиб, метро бекатлари, вокзаллар, аэропорт, шаҳарлараро ва шаҳар ичи автобуслари ҳамда яна бошқа транспорт воситаларига ўрнатилган телевизорларда куну тун давомида) такрор ва такрор қўйилаётган муסיқий клипларни кузатиб, уларнинг умумий жиҳатларини таснифлаб кўрадиган бўлсак, тенденция тусини олган ва олаётган ўта салбий ҳолатларни қайд этишимиз мумкин.

Масалан, қўшиқлар мавзулари, матнлари, муסיқа ва ижрочилик масалалари бўйича кўрадиган бўлсак, мавзуларнинг ўта саёз ва бачканалигидан, жумладан, "мини юбка", "машина", "чой", "сигарет" ва ҳоказо нарсаларнинг қўшиқ объектига айланганидан бир ҳайрон бўлсангиз, муҳаббат, гўзаллик, дўстлик ва бошқа инсоний фазилатларнинг энг оммалашаётган "Божалар" гуруҳи ёки Шаҳриёрнинг речитатив усулидаги "РЕП"ларида росмана тасқарасини чиқариб "тараннум" этилаётгани, шеър мезонларини қўйинг-у, оддий адабий тилга мутлақо беписандлик, буларга оид меъёрларга амал қилмаслик, ҳатто уларнинг борлигини ҳам билмасликларини сезгач, ажабтовурликдан ёқа ушлайсиз. Балки шунинг учун ҳам ўзбеги инглиз, рус тилини қориштириб "бэйби гэрл (?) доим маники бўл", "так что, у мани севмиди бекор, чунки манда авторитет бор" қабилидаги "Дўстлик ва муҳаббат"

(?) номли клип, арабу турк, форс-тожик тилларини укувсизлик билан омухта қилиб, “Гуликам”, “Артик севмая жейим” каби “тарона”лар пайдо бўлгандир. Акс ҳолда, Жўрабек каби ўша хориж тилларидаги қўшиқлар мусиқаларига, ижрочиларига, уларнинг клип сюжетлари ва ҳатто ташқи кўринишларига кўр-кўрона тақлид йўлидан борилмас эди. Жўрабек деганимизнинг турк қўшиқчиси Тарканга ихлоси шу қадар баланд эканки, мусиқа, имиж, фон билан чекланмай, унинг “ўпич” олишларигача айнан ўзлаштиради:

“Чикир-чикир юракчалар так-так этиб,
Аста бориб юзларингдан “мам-оҳ” этиб”

Бепардалик ҳам эви билан-да! Буни десангиз бепардалик, янада аниқроқ айтсак, беҳаёлик, шаҳвоний қилиқлар, ишратга чорловчи жест, мимика аксарият аёл хонандаларимиз клипларида оддий ҳолга айланиб бормоқда. Қўлларига — кифтидан елкасигача “наколка” урилган Севинч Мўминова: “Севасан, мени, мени, мени, фақат мени...”, — дея бирор шўринг қурғур йигитни тинимсиз мажбурлаб, ўзини ҳар турлик алпозда муттасил тўлғониб кўз-кўз қилишга уринса, жимжимадор кийиниб, тилла тақинчоқларга, қуюқ бежакларга беланган бошқа хонандаларимиз “жийда гули” фурсатлари ўтиб қолганини яширибмикан, орқа-олдиларига ярим яланғоч кўринишда ё қорин, ё оёқ, ё “кет” ўйинлари билан унча-мунча тана аъзолари “бўшашиб” кетадиган мардумни жунбушга солувчи ёш-ёш раққоса қизларни фон сифатида чиқариб қўядилар. Улар эса арабий тўлғоқу титранишлардан бўшагач, бошқа бир бошловчи клипчининг шўх қўшиғига, балки хоразмча “ўзига хос” “Лазги”сига кўз сузиб, қош қоқиб, қип-қизил рангга бўялган дўрдоқ лабларини чўччайтириб, елка учуриб, кўкрак силкилатиб яна муқом қилиб кетаверадилар. Клипчи йигиту қизларимиз лаззатпарастликда бу билан чекланмайдилар: ҳашаматли виллалар, қасрсифат иморатлар, жиҳозлар, офислар, оқ, қизил, сариқ ва яна алламбало ранглардаги алламбало “иномарка” автомобилларда пайдо бўлиб, ҳаёт, турмуш,

тирикчилик ҳақида ўйлаб улгурмаган ўспирин тасаввурларини ҳалол ризқ, доимий меҳнат, ижод-интилиш тушунчаларидан чалғитиб, оч назар билан дунёга қараш, барча моддий неъматларга тез ва осон эга бўлиш, юзаки, саёз, енгилтак турмуш тарзига иштиёқ, худбинлик, истеъмолчилик хоҳишларини қитиқлаб қўядилар. Ана шундай клиплар, на фильм ва на қўшиқ таассуротини берадиган уқувсиз монтаждаги “саундтрек”ларни муттасил телевидение, радио, интернет, видеокассета, диск ва ҳоказо техник ташувчи воситалар орқали тиқиштиравериш оқибатида дастлаб қитиқланган худбин хоҳишлар росмана уйғониб, ўсиб, ривожланиб истакка айланади. Истак ҳам оловлантирилгандан кейин муттаҳамлик, текинхўрлик, жиноят, кимнингдир аҳли аёлига ёки жуфтига кўз олайтириш, яқини ё бирор бошқанинг жонига қасд қилиш ва ҳоказо тубанликлар занжирсимон халқалар каби келавериши эҳтимолдан ҳоли эмас. Клиплардаги туссиз, қуруқ шовқиндан иборат мусиқага боғичи бўшашиб кетгандек таассурот берувчи жинси шим, спорт майкалари кийган, қора кўзойнак тақиб, бошини рўмол билан аёлларга хос танғиб олган йигиту йигитчалар, ҳатто ёш болачаларнинг тил чиқариб, қўл бармоқларини бигиз қилиб, авратларини пешлаб, елка оша қўлларини илон қилиқ қилиб, турли нораво хатти-ҳаракатларни намоиш қилиши хавотиримизни янада кучайтиради. Беихтиёр қаердан пайдо бўляпти бундай андишасизлик, бетамизлик? — дея ҳадикка ботасан. Ва Даврон Эргашев, Ёдгор Мирзажонов, “Радиус 21” кабиларнинг клипларидаги қора қиёфаларни, “жингалак” мўндиларни, кўзга махсус ташлантириладиган “Лас-Вегас”, “Лос-Анжелес” ва ҳоказо инглизча ёзувларни кўриб, ҳадикли сўроқларга жавоб топилгандек бўлади. Яна “Юксак маънавият — енгилмас куч” рисоласининг мавзумиз бўлган фаслидаги фикрлар жонланади: “Айрим ёш ижрочи ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этаётган “асар”лари санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди. Нафақат мавзу ва мусиқа, ижро усуллари, балки саҳна ҳаракатларида ҳам очиқдан-очиқ ажнабий “оммавий маданият” кўринишларига тақлид қилиш, “юлдузлик”

касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тураётгани чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан қолмайди, албатта”.

Булар — дастлабки кўрикларда пайдо бўлган таассуротлар. Агар минглаб, ўн минглаб нусхаларда тарқатилаётган дисклардаги клиплар махсус ўрганилса, бу оммавий “санъат”даги ғалати қилиқлар рўйхати катта бир китобга жо бўлса, ажабмас. Инчунун, биз масаланинг кўзга яққол ташланган бадбин жиҳатларини қайд этдик. Бинобарин, моҳиятга қараб теранроқ нигоҳ қадалса ва мушоҳада этилса, ўта кўрқинч манзара кишини даҳшатга солади. Орият кўзғалиб, киши ўзининг, муқаддас туйғулари ва ундан нари ота-бободан мерос қадриятларининг топталиб, ҳақоратланаётганини сезиб, алам оташида ёнади. Ахир, Шаҳноза Абдуллаева деган хонандалик даъвосидаги қиз, балки жувоннинг “Бевафо ёр” клипидаги бири олиб, бири қўяётган иккита ҳинд йигитининг қучоғи ва қўлларида, кимсасиз денгиз бўйларида эротик кайфият ва қилиқларда тўлғонишини кўриб, қайси ўзбек йигитининг иззат-нафси кўзғалмайди?! Гўёки “ўзбекча” клипларда қиз ёки йигит хонанданинг орқа фонида ё ёнида тил чиқариб, қўлларини бигиз қилаётган африкалик қиёфаларни кўриб, шу кунларда “Ёлғонму?” қўшиғи билан ёлғон эҳтиросларни қитиқлаб юрган Асилбек Негматов исмли “хонанда”нинг клипларидаги ажабтовур қилиқларига қараб: яқин-эрта бизда ҳам бир жинсли никоҳларни талаб қиладиганлар пайдо бўлиб қолмасмикан?”—дея, даҳшатга тушмайсизми?! Шуларни мушоҳада эта туриб, ўша қўлини икки ёнидан елкалари оша илон нусха қилиб ўйнаётган йигитлар қадим “Авесто” китобидан, Эрон мифологиясидан Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сига кўчиб, ҳозир ҳам китобхонга кўрқув ҳиссини солувчи Заҳҳоки морон қиёфасига кираётганларини билишармикан? — деб ўйлаб қоласан. Ахир, Заҳҳок исмли икки елкасидан икки илон ўсиб чиқиб, ҳар куни ўспирин йигитларнинг миясини тановвул қилиб, нафси ором топадиган ваҳший бир образ мисолида ажодлар навқиронликни, тириклик ва эзгуликни ғорат этувчи, зулм-зўрлик билан инсониятга қайғу кулфат келтирувчи қора кучларни ифода этган ва одамларни яхшилиқ, ёруғликни маҳв этувчи хавф-хатарлардан огоҳ

этмоқчи бўлганлар-ку! Наҳотки, ўша бадбин қилиқларни кўр-кўрона бажараётган йигитлар ақл-заковат хиргоҳи бўлмиш бош чаноғидаги мияни не бир қора ниятлар илинжидаги замонавий Заҳҳокларга, ер куррасининг залолат ва нажосатга ботган маълум бир манзилларидан туриб, башариятни ақлан ва руҳан бошқармоқчи бўлаётган ва шундан беҳисоб дунё орттираётган зоти бетайин жанобларга емиш қилиб бераверса-ю, ақли солим жамоа, жамоатчилик, ота-она, устоз-мураббий, олиму фузало, шоиру адиб, қўйинг-чи, эртасидан умиди бор жамики мардумдан бирортаси айюҳаннос солмай, лоқайд тураверса?! Юртбошимиз айтмоқчи: **“...бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир”**. Дарҳақиқат, **“Бефарқ одамлардан кўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади”**.

Замонавий миллий театр санъатимизнинг асосчиси, буюк тараққийпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий 1914 йили Туркистонда театр ишларининг пойдеворини қўяётган бир паллада ўзининг “Оина” журналида **“Театр нимадур?”** — дея савол ташлаб: **“Жавобиға театр ибратномадур, театр ваъзхонадур, театр таъзир адабидир. Театр ойинадурки, умумий ҳолларни анда мужассам ва намоён суратда кўзликлар кўруб, кар-қулоқсизлар эшитиб, асарланур. Хулоса: театр ваъз ва танбиҳ этгувчи ҳамда зарарлик одат, урф ва таомилни, қабих ва зарарини аёнан кўрсатгувчидур. Ҳеч кимни риоя қилмасдан тўғри сўйлағувчи ва очиқ ҳақиқатни билдиргувчидир”**, дея, замонавий миллий ўзбек театрининг ижтимоий-эстетик мезонини белгилаб берган эди. XX асрда ўзбек театри узоқ давр шундай мезонга амал қилиб яшади, ўсди, ривожланди. Миллий театрнинг буюк саҳна намуналари яратилди, буюк санъаткорлари — режиссёр, актёрлари етишди, ўз анъаналари шаклланиб, ривожланди. Ўзбек театр тарихига бир қур назар солган одам унинг ўз анъаналари доирасида бир неча ижодий мактаблари яратилганига ҳам гувоҳ бўлади. Бу мактаблар толиблари юксак санъат асарларида, буюк драматургия ва буюк режиссура таъсирида камол топдилар. Ватандошларининг руҳан юксалиши, маънавий баркамоллиги тилагида ижод

қилдилар, жонбозлик кўрсатдилар. Маннон Уйғур бисотидаги биттагина шими йиртилиб, ямалиб, уадаси чиққандан кейин нима қиларини билмай, шиорлар ёзилган қип-қизил алвондан шим тиктириб, театрға — ишига келган экан. Буюк Обид Жалилов эса ўрнига ролини алмаштирувчи дублёри йўқлиги учун қизчасининг ўлиги устидан туриб келиб, спектаклда ролини ижро этиб, сўнг ҳамкасбларини таъзиясидан огоҳ этиб кетган экан. Мана шундай афсонавий воқеликларни эшитгач, бугунги театр ва унинг санъаткорлари ҳақида ўйлаб қоласан. Шукур, бугун ҳам театрларимиз ғайрат билан ишляпти, юртбошимизнинг катта саъй-ҳаракатлари билан республикада мавжуд 37 та театр тўлиқ давлат бюджетидан молиялаштириляпти, бинолари таъмирланиб, театр заҳматкашлари ҳар йили унвону мукофотлар билан тақдирланыпти. Бироқ ... бироқ бугунги сахна ва сахна ортида кечаётган ҳамма жараёнларни ҳам қабул қилавериш мумкин эмас. Театр репертуарлари қайнонаю келин, эру хотин, тўю тантана, чучмал муҳаббат можароларию майда майший мавзулардан кўтарилиб, юксалиб кетолмаяпти. Ана шундай якранг майший репертуарларнинг мунтазам тус олиши мавжуд аввалги ижодий мактабларни йўққа чиқариб, режиссёр талқини ва актёрлар ижросига ҳам майшийлик тамғасини босиб қўйяпти. Мабодо бирор зарурат ё буюртмага кўрами, ижтимоий-фалсафий, қаҳрамонона романтик йўналишдаги сахна асари қўйилса ҳам, майший йўсиндаги ижро асарнинг бутун моҳиятини бузиб юборяпти.

Майший йўналишдаги асарларнинг савияси, гоёвий йўналиши, талқинлари, актёрлар ижро импровизациялари ҳақида эса “гап йўқ”. Шу маънода китобнинг театр санъати ҳақидаги саҳифаларида: **“... реал ҳақиқатдан йироқ, одамга катта маънавий озик бермайдиган асарлар билан театрлар кассасини тўлдириш ҳолатлари кўпроқ кўзга ташланмоқда”**, — деган фикрлар мавжуд аҳволнинг аниқ ифодаси экани билан ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

“...кейинги йилларда миллий кинодраматург ва режиссёрлар тайёрлаш долзарб масала бўлиб турибди. Чунки буни очиқ тан олишимиз керак — профессионал кино

мутахассислари, хусусан, режиссёрлар, сценаристлар тайёрлайдиган том маънодаги миллий мактаб ўзимизда ҳанузгача шаклланиб йўқ. Ўзбек миллий киносининг тақдири ҳақидаги бу фикрлар китобнинг киносанъаткорлари учун дастурий аҳамиятга эга эканлигини намоён этади.

Яқинда машҳур рус кинорежиссёри Павел Лунгин бир телекўрсатувда “Какое кино, такой народ”, деган жуда чуқур маъноли бир фикрни айтди. Ҳақиқатан ҳам, бугун “Кино қандай бўлса, халқ ҳам шундай”. XX асрда неча авлодлар кино орқали тарбия топди. Ҳозир эса киносининг таъсири аввалгидан ҳам кучлироқ. Бутун бир авлод кино билан туғилиб, кино билан ўсаяпти. Шундай экан, бу маънавий қуролдан билиб, ақлу фаросат билан фойдаланмоқ керак. Тўғри, “Тоҳир ва Зухра”, “Ўткан кунлар”, “Сен етим эмассан”, айниқса, “Маҳаллада дув-дув гап” фильмлари ҳозир ҳам суюб томоша қилинади. Бироқ энди бундай фильмлар яратиш амримаҳол. Чунки давр, тушунча ва тасаввурлар мутлақо ўзгарди. Лекин Юртбошимиз айтмоқчи: **“мана шундай том маънодаги миллий асарлар”** — замонавий фильмлар яратишда кўп жиҳатдан сабоқ. Хусусан, фильм адабий материални танлашда, реал воқеликка бадиий муносабатни белгилашда, профессионал кино актёрларини жалб этишда, ижро ҳаққонийлиги ва аниқлигида, деталлар, кичик эпизодларнинг эътибор билан ишланганида, мусиқа, ранг, либос, жиҳоз, грим каби унсурларнинг жой-жойида, билиб қўлланганлигида ва, энг асосийси, миллий руҳ ва миллий кайфиятнинг акс этганида. Ана шу жиҳатларнинг етарли эмаслиги, ҳатто йўқлиги, фақат уч-тўрт тангаю яшин тезлигида шон-шуҳрат топиш истаги кино соҳасига билиб-билмай қўл ураётган жуда кўп ёшларнинг оммавий касалига — эпидемияга айланмоқда. Шунга муқобил ҳолда айрим замондош йигиту қизларнинг диди-савияси ҳам ҳаминқадар, турли бегона кўча-кўйларда тентираб юрибди.

Ҳозирда Республикамизда ўрта ҳисобда йилига элликта бадиий фильм суратга олинмоқда. Бу — катта рақам. Истиқлолимизнинг яна бир буюк шарофати. Бир пайтлар,

айни Ўзбекистонда катта-катта Халқаро киноанжуманлар ўтказиб турилган даврларда ҳам “тенглар ичра тенг”, “тўлақонли” иттифоқдош республика киномахсулотларининг сони йилига олтитадан ошмас эди. Шунга қиёсан биз келтирган рақам фавқулудда катта. Аммо шу рақамдаги қай бир фильмни ўша саноқдаги тўртта фильмнинг ёнига қўйиб бўларкин?! Давлат маблағлари ҳисобидан, Бадиий Кенгаш чиғириқларидан ўтиб суратга олинган ва катта экранларга чиқарилаётган фильмлар турли фестивал ва кино анжуманларининг эътирофини топмоқда, тақдирланмоқда. Бу яхши, албатта. Аммо “яхши”нинг салмоғи қандай-у, томошабин қамрови қанча? Таҳлил этсангиз, ҳавас қиларлик манзара эмас. Демак, йўқотилган ва йўқотилаётган аудиторияни топиш, қолганини сақлаш ва аста кенгайтириб бориш чораларини қилиш керак. Бундай десангиз, ҳозирда кино театрларга томошабиннинг қайтгани, Тошкент марказидаги киносаройига гурас-гурас ёшларнинг серқатнов бўлиб қолганини қайд этмаслик инсофдан бўлмайди. Бироқ улар, афсуски, халқ тилида “хонтахта” деб юритилаётган хусусий студияларнинг фильмлари томошабинлари. Тўғри, фильм давлат маблағларигами ё хусусий ҳисобдан суратга олинганми, бунинг томошабинга фарқи йўқ. Муҳими қизиқарли, дилтортар, ҳаяжонлантирувчи фильм бўлсин. Минг таассуфки, ана шу истак ва иштиёқни жуда яхши ҳис қилаётган “хонтахта”чилар “нақди асал” дея харидоргир маҳсулот чиқаришда “ким ўзарга” берилиб кетиб, қатрама-қатра, мисқолма-мисқол ўша томошабинга дидсизликни, бемулоҳаза яшаш тарзини, истеъмол кайфиятини, худбинлик, беписандликни сингдириб қўйяпти. Ҳақ рост, “Ўзингдан чиққан балога, қайга борурсан давога”. Бугун кимлар киночи эмас? Эҳ-ҳе, рўйхатини тузсанг, меҳнат биржасининг касблар дафтарларидан тополмайсан бундай фаолият турларини. Қўшиқчиман дегани-ку, аллақачон киночининг нонини туя қилиб, думини кўрсатмай ютиб юборган. Ҳамма иш шу тахлит чаламулла дилетантлар ё демагоглар қўлида қолганидан кейин дардингни кимга ҳам айтасан. Мана шу ўта қуроқ киноманзарада соҳа мутасаддилари ҳам, мутахассислари ҳам ўз муносабатини

аниқ белгилаб олмаса, маънавиятимизнинг замон тақозосига кўра энг муҳим жабҳасида тузалмас хатоликлар содир бўлиши мумкин. Бу соҳадаги давлат сиёсати аниқ ва у ҳуқуқий-демократик давлат тамойиллари асосида давом этмоқда. Ҳамма гап ана шу мустаҳкам ҳуқуқий ва моддий негиз асосида соҳа ва тармоқ йўналишларини тўғри ташкил этиш ва миллий ғоя ҳамда юксак маънавият мезонларига кўра изчил ривожлантириш, муттасил такомиллаштириш билан боғлиқ. Бунинг учун эса рисолада таъкидланганидек, энг аввало, профессионал миллий кадрлар тайёрлашга зўр бериш зарур. Соҳасини пухта биладиган, бадиий завқи ва мушоҳадаси кучли, диди шаклланган, инсоний муносабатлари аниқ ва касбий малакаси етарли ёшлар тарбияланмоғи лозим. Бу сифатларнинг ёнига, аниқроғи, бошига миллий руҳ ва миллий замини барқарор мутахассислар деган жумлаларни ҳам тиркаб, мустаҳкамлаб қўймоқ жоиз. Акс ҳолда, китоб муаллифининг теран кузатишларидан келиб чиқиб кўрсатгани — объектив сабаб кўндаланг бўлаверади: **“Собиқ марказдаги кино институтларида таълим олган оз сонли ўзбек режиссёрлари ва кинодраматурглари эса, афсуски, миллий руҳ, миллий заминдан бегона бўлган мутахассислар бўлиб етишар эди ва ана шундай ҳолатнинг салбий асорати ва таъсири аксарият киноижодкорларимиз фаолиятида ҳозирга қадар сақланиб келмоқда”**.

Инсон қалбига йўл очувчи санъат соҳалари қаторида рассомлик ва ҳайкалтарошликнинг ҳам ўз ўрни ва аҳамияти бор. Шунинг назарда тутиб, истиқлол йилларида Бадиий Академиянинг таъсис этилиши соҳа ривожига жуда муҳим ҳодиса бўлди. Табиатан ёлғизнишинликка мойил мўйқалам аҳли ёлғизлатиб қўйилмайди. Уларга ғамхўрлик қилиб, кори аъмолига кўмак кўрсатувчи муассасанинг пайдо бўлиши ва унинг ўн йилдан мўлроқ давр мобайнида шаклланиб, маънавий дунёмизда ўрин ишғол этиши эътиборга сазовор, албатта. Бунинг самараси ўлароқ ўтказилган ва ўтказилаётган юзлаб турли кўргазмалар, Халқаро Тошкент биеннализиси, яъни тасвирий санъатлар фестивали, Республикаимизнинг марказида ва турли шаҳарларида салобат тўкиб турган маҳобатли ҳайкаллар халқимизнинг

маънавий ривожда, мамлакатимизнинг маданий дунёга юз тутишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Одатда, инсон кўз ўнгида қай бир сиймонинг қай алпозда гавдалантирилиши унга нисбатан муносабатни белгилайди. Шу маънода мусаввирларнинг масъулияти ўта баланд. Масалан, катта ва ўрта ёшдаги кўпчилик зиёлилар, китобхонлар ҳазрат Алишер Навоий сиймосини, Алпомиш, Барчиной қиёфаларини ёки ўзбек халқ эртаклари қаҳрамонларини XX аср ўрталарида фаол ижод этган рассом Кайдалов тасвирлари орқали тасаввур этадилар. Хусусан, ҳазрат Алишер Навоийнинг аслзода сурат ва сийрати, донишу даҳоси ўша мусаввир портретида тўла мужассамдек.

Ана шундай бор тийнати, исми-жисмида мужассам Амир Темур сиймосини барча учун мақбул бир маҳражга келтириш учун бўлган ҳаракат, изланишлар “Юксак маънавият — енгилмас куч” рисоласининг янада завқли ва завқиеб саҳифалари. Чунки муаллиф бу саҳифаларда энди кўпроқ буюк ислоҳотчидан кўра, қўриқ очувчи, очилмаган, аниқроғи, темир қопқалар ортига мутлақ беркитиб ташланган горни кўпориб, унинг тилсимини кашф этган кашшоф каби гавдаланади. Антрополог-ҳайкалтарош М. Герасимов “яратган” қўрқинч сиймо тасаввурини буткул инкор этиб, бирламчи тарих манбаларидан Соҳибқирон қиёфасига оид чизгиларни излайди. Излаб-излаб топади: Амир Темур ҳузурида етти йил яшаган машҳур муаррих Ибн Арабшоҳ битикларидан ўзи истаган, хаёлан тасаввур этган ва, айтиш жоиз, ўз халқининг қадим шаъни шукуҳига бағоят монанд қиёфанинг шоҳидлигини топади. Ва шундай жонлантиришни сўрайди оқсоқол мусаввир Малик Набиевдан. Ҳозирда Соҳибқироннинг ана шу илму маърифат ва эл-юрт шаъни тилаги ила чизилган мумтоз қиёфаси — улуғ аждодимизга атаб барпо этилган ҳайкаллар ва тасвирий композициялар учун асос.

Бу борада 1993 йил пойтахт — Тошкент марказида ўрнатилажак ҳайкал муҳокамасига оид тафсилотлар қизиқ: Дастлабки вариантда ҳайкалтарошлар от устида елиб бораётган ўрта ёшлардаги Амир Темур қўлига жангу жадалларда ўтган умр рамзи ўлароқ найза тутдириб қўйган эдилар. Юртбошимиз биргина фикр билан таассуротни

буткул ўзгартириб юборадиган таҳрир киритадилар: “Соҳибқирон бобомиз қўлида найза эмас, отнинг жловини тутиб тургани маъқул. Бунинг рамзий маъноси бор. Чунки салтанатда найза кўтарган одамлар кўп бўлган, аммо жилов Амир Темурнинг қўлида бўлган. Бу мустаҳкам давлат тизимини қўлида маҳкам тутиб туришни англатади”.

Жуда серқатлам маъноли таҳрир. Мазкур сатрларни ўқиётиб давлат жловини эплаб тутиб туролмаган ўқувсиз раҳнамолар туфайли сарсону саргардон, не-не муҳораба, фожеаларга юз тутган халқлар, мамлакатлар кўз олдиндандан ўтади. Юрт нотинчлиги, элнинг халоватсизлиги, фуқаронинг ўқисиклиги жиловдорнинг бетайинлигидан бўлади, деган теран мушоҳада маҳобатли ҳайкалга бот-бот боққанинг сари ҳаётини ўғит бўлиб кишини сабоқлантиради. Санъатнинг ўткир мафкуравий қуроли, аини чоғда юксак маънавият манбаи эканига яна бир исбот бу.

Шу ўринда Истиқлол йиллари амалга оширилган ва китобда камтарлик билан бошқа қатор монументал обидалар қаторида зикр этиб ўтилган Мотамсаро она ҳайкали ғояси ва унинг барпо этилишига оид тафсилотлар хотирга келади.

Ўтган асрнинг 50 — 60 йиларидан бошлаб намунали ўқувчиларни пионерликка ўтказиш — бўйнига қизил бўйинбоғ тақиб қўйиш учун маросимда олдида абадий гулхан ёқиб қўйилган номаълум аскар ёдгорлиги пойида ўта сиёсий тадбир бўларди. Бундай ёдгорлик ҳар бир туман, шаҳар ва ҳатто қишлоқларимизда ўрнатилган эди. Ва “алвон бўйинбоғ тақиш” сиёсий тадбири бор жиддияти билан ана шу ерларда ўтказиларди. Мурғак тасаввурдаги болаларни росмана сиёсийлаштириш, аниқроғи, “советлаштириш” мақсадининг яққол намоиши эди бу анъана. Мана шу ёдгорликларга ҳамма ерда бир хил қилиб: “Номинг номаълум, аммо жасоратинг абадий”, — деб ёзиб қўйиларди. Минглаб, миллионлаб ўқувчи-ўқитувчилар, пионер сардорлари ана шу анъанани партия ташкилотларининг қатъий кўрсатмаси ва назорати остида темир қоида бўйича росмана адо этиб, гуллар билан таъзим бажо қилиб кетаверардилар-у, аммо бирорталари “Бу

нимаси, номаълум солдат дегани ўғри ўтганми, каззобми, нима жасорат кўрсатган экан, Сталинградда қони тўкилган бир каснинг Сирдарёнинг Мирзачўлидаги узоқ қишлоққа нима алоқаси бор?” — деб савол бермас, ва ҳатто бундай сўроқ ҳаёлига ҳам келмас эди. Негаки бундай савол ҳар қанақасига — расман ҳам, норасмий ҳам шаккокликдек туюларди. Нима бўлгандаям, қабрлар ўтганлар ёди билан боғлиқ эди-да. Ажабки, бу саволни илк бор Юртбошимиз сўради. Атрофларини ўраган олиму фузало, шоиру шуаро бари сукутда, ҳатто ҳадикда. Аммо ҳушёр ақл эгалари бундай сўроқнинг ҳар жиҳатдан тўла мантиқли эканига иқрор эди. Бироқ тобе тасаввур, муте тушунчалар изн бермасди, журъатни жиловларди. Ана шу тасаввур ва тушунчаларни мутлақ инкор этиб, Президентимиз зоти бетайин, бемаъни ҳайкаллар ўрнига интизор она, деса барча ўзбекнинг кўз ўнгида заҳматдан қабарик қўлларини тиззаларига қўйиб, “олис жанггоҳларда боламнинг ҳоли не кечди экан?” — дея адоқсиз ўйлар билан олис-олисларга кўз тикиб, маҳзун қиёфада ўлтирган мушфику мунис аёл сиймоси жонланадиган бир тасвири таклиф этди. Бу ғоят ҳаётий, ҳаққоний, илиқ, кўнгилга яқин тасвир эди. Бу ҳар бир онаси бор ва бўлган инсонни ҳаяжонга соладиган самимий сурат эди. Бу тасвир ёнига яна Президент таклифлари билан бағоят ўзбекча қилиб “Сен ҳамиша қалбимдасан, жигарим!” — деган ёзувлар ҳам битилдики, унга назари тушган ҳар қандай одамнинг ҳаяжонлари чандон ортиб кетмоғи муқаррар эди. Беихтиёр ана шу икки давр белгиси бўлган икки ҳодисани қиёслар экансиз, оддий инсоний тушунча ва тасаввурларнинг, ҳис-туйғуларнинг сиёсийлаштирилиши нима-ю, маънавийлаштирилиши нима эканини яққол идрок этасиз. Маънавиятнинг қалбга сингдирилиши ва унинг енгилмас кучга айланиб бориши жараёнини ҳис қиласиз, уни аниқ, тизимли бир шаклда жорий этиш намунасини кўрасиз.

Бунинг айнан тизимли жараён бўлиши кераклиги ҳақидаги аниқ тавсия ва мушоҳадалар рисоланинг шу фаслидаги сўнгги саҳифаларда яна бир бор ангашилади. Бу тавсиялар миллий маънавиятни мурғак палладаёқ бола қалби ва онгига сингдиришдан бошламоқ керак, дея

китобнинг ҳар бир боби, фаслида таъкидланиб борилган қатъий назарий қарашнинг бевосита амалий ижросига тааллуқлидир.

Қўғирчоқ ва ўйинчоқлар — болаларнинг дунёни ўзлаштиришдаги воситаси. Ажабмаски, милтиқ ўйнаб ўсган бола эрта бир кун қон тўкишдан сесканмаса. Ёки камон тутиб кўз чиқарган болакай катта бўлиб, кимнингдир кўкрагини нишон қилса... Тасқара қиёфалардаги қаттиғу юмшоқ ўйинчоқларга фарқ гўдак гўзаллик ва ҳайрат туйғусига бегона, бебаҳра улғайса?! **“Ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болаликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади.**

Афсуски, ҳозирги вақтда фарзандларимиз кўпинча хорижда ишлаб чиқарилган, бизнинг миллий табиатимиздан узоқ бўлган ўйинчоқ ва қўғирчоқларни ўйнаб улғаймоқда”.

Куни кеча қизчаларимиз Оврупо турмушининг яққол ифодаси бўлган “барби” қўғирчоқларига берилиб, ўшаларга тақлидий келинчак имижини урф қилдилар. Саватдек шляпалар кийиб, мармар тўшу елкаларини ялангоч намоёиш қилишдан орланмай қўйдилар. Ковбой ёки терминатор қиёфасидаги ўйинчоқ роботчалар эса сўнгги ўн-ўн беш йиллардан бери болачаларимизни чалғитиш эрмаги. Ваҳоланки, Алпомиш ва Кенжа ботир саргузаштлари, “Нўхот полвон” ёки “Ур, тўқмоқ”, “Муқбилу Мудбир”, “Олтин олма”, “Гулиқаҳқаҳ”, “Зумрад ва Қиммат”, “Доно қиз”, “Алдар кўса”, “Насриддин Афанди” каби юзлаб ўзбек халқ эртак воқеалари ва эртақ қаҳрамонлари қиёфаларини акс эттирувчи ўйинчоқ ва қўғирчоқларни тайёрлаб, уларнинг эртақ тафсилотлари билан болаларимизга тақдим этсак, агар лозим бўлса, озгина ҳаёлотга эрк бериб, ўша қиёфа ва саргузаштларни ҳозирги замонга кўчириб, ўз ҳаётимизга яқин тажассумда акс эттириб кўрсата олсак, миллий маънавиятимизнинг илк куртаклари гўдакларимиз қалбида ниш урмасмикан?! Мана бу сўроқнинг ҳам жавоби рисолада

аниқ кўрсатилган: **“Бу масалада иш олиб борадиган инсонлар нафақат педагог, психолог ёки дизайнер бўлиши, шу билан бирга, тарихимиз ва маданиятимизни ҳар томонлама чуқур билиши керак”.**

Миллий тарих ва маданиятни билиш — ўзликни англашнинг оstonаси. Ўзликни англаш эса ғурур ва ифтихорга доя. Ғуруру ифтихори бор одам — бировга бўйин эгмай, дадил одимлайдиган, улкан ишларга қодир орзу-ҳавасли шахс. Бу шахснинг кўнглида, руҳий дунёсида маънавиятни барқарору бардавом этадиган, унинг ҳар бир ўй-мушоҳадаси, юриш-туриши, муносабат ва хатти ҳаракатига қувват берадиган, буюк амалларга чорлайдиган манба адабиёт ва санъатдир. Юртбошимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” рисоласининг биринчи боби, илк фаслида: **“Маънавиятни тушуниш, англаш учун, аввало, инсонни тушуниш, англаш керак”**, — дейдилар. Инсонни тушуниш ва англаш эса унинг қалбига йўл топмоқдир. Бу йўлни кашф этиш — аввало, ота-она, устозу мураббийлар, сўнгра эса ижод ва ижодкорлар, адибу шоир, санъат ва санъаткорнинг кори аъмоли. Шу иш бўлмаса, барча тадбиру чора беҳуда, самарасиз. Йўқ, бу кори аъмолга камарбасталикни мажбурлаб, қарору буйруқ билан юзага чиқариб бўлмайди. У виждон иши, қалб амри, эътиқод тамалига айлансагина ёлқинланади. Милтиллаган митти чўғ гулханга айланади. Гулхан эса нафақат танани, қалбни ҳам иситади, юзга, кўзга ҳарорат, гулгунлик бахш этади, тафаккурга ёрқинлик, шуурга теранлик, ғайратга эса шижоат бағишлаб, шитоблантиради. Қалб, тафаккур, ғайрат ёлқинланиб шитобланганда, мўъжизалар, ҳайратлар ва жасорат туғилади. Булар эса башариятни ва унинг бир бўлаги бўлган ўз миллатингни янада юксалтирмоқ, маданиятлироқ қилмоқ, дунёда гўзаллик ва эзгуликни, яратиш ва бунёдкорликни барқарор қилмоққа боис бўлади. Пироварида инсон қалбига очилган йўл уни ўз миллатига ва ундан-да ўтиб, башарият ривожига дохил этар экан, бу йўللари равон этгувчилар маънавий юксалиш жабҳаларида байроқдор бўлиб қолаверадилар, рисолада таъкид этилгандек, **“ижтимоий вазифани тўлиқ адо этишга”** эришадилар.

Модомики, ўйларимиз айнаи вақтда пайдо бўлган яхши

бир китоб баҳона қалб тарбияси борасида кечган экан,
сўзимиз аввалида зилзилаю пўртаналарга қодир қалбнинг
биргина сўздан яралангувчи бағоят нозик, инжа табиати
ҳақидаги пурмаъно ҳикматни айтган шоирнинг яна ўша
сирли хилқатга оид бошқа мисралари ёдга келади:

Биламан,
Ғоят тез асрим шиддати,
Елкаларга ортган уҳдаси буюк.
Фазода чарх урган Ернинг суръатин
Юракларга берган, аслида, шу юк.
Шу юк босар унинг нақ ўртасидан,
Бутун вужудимда шу юк залвори.
Ажаб эмас, юрак аортасидан
Ўтиб кетган бўлса олам меҳвари.
Одам туғилмас-ку даврини сайлаб,
Замон танламасдим ва лекин ўзга.
Қалб мени кечирсин, уни авайлаб,
Олиб боролмасам тўқсонга, юзга.
Аммо умидим бор,
Авлодлар бир кун
Бизнинг юракларга қилурлар ҳавас!
Сен эса, эй, қалбим, шу умид учун
Энг сўнгги ёлқининг бера олсанг, бас.

Муҳтарам ўқувчи, биз “Юксак маънавият — енгилмас
куч” рисоласининг сўнгги бобидаги бир фасл баҳона
ундаги кўнгилга чуқур ботган ўй-мулоҳазалардан
таъсирланиб, айрим мушоҳадаларни баён этдик. Буюк
Бобораҳим Машраб мисраси билан айтганда: “Дилда
дардинг бўлмаса, сардафтаримни кавлама”. Зеро, китобнинг
ҳар бир саҳифасида ишонч, мунаввар туйғулар, теран
кузатиш ва хулосалар қаторида чўнг бир дард бор,
дардмандлик бор. Бу дард — эл-юрт ғаму ташвишидаги, ўз
халқи истиқболи ва башарият ташвишидаги қалби уйғоқ
инсоннинг некбин дардлари. Мана шу дард — қалбдаги
дарднинг борлиги бу мўъжаз рисоланинг ўзга қалбларга
ҳам йўл топа олганига боисдир.

Шухрат РИЗАЕВ

ҚАЛБГА ЙЎЛ

Муҳаррир *Шукур Қурбон*
Бадий муҳаррир *А. Мамасолиев*
Техник муҳаррир *Б. Ирисбоев*
Мусаҳҳиҳ *Ж. Қўнишев*

Босишга 20.03. 2009 йилда рухсат этилди.
Бичими 60x84_{1/16}. Ҳажми 1,25 б. т. Нусхаси 15 000.
Буюртма № 165. Шартнома № 19/3.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Истиқлол кўчаси, 33.

842

013528/1



87.71
P 51



ISBN -978-9943-06-215-3



9 789943 062153